

9- маъруза

Мавзу: Ерларни суғоришнинг умумий масалалари ва автоматлаштириш вазифалари

Режа:

1. Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг тавсифи ва турлари
2. Ерларни суғориш усуллари ва техникаси. Уларга қўйиладиган талаблар
3. Суғориш тизимларини автоматлаштириш вазифалари

Тошкент - 2013

Республикамизнинг умумий майдони 447,4 минг км² бўлиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 22614 минг гектарни ташкил этади. Сўнгги аср давомида суғориладиган ер майдони 2,36 маротаба кўпаяди: 1809,5 минг гектардан (1914 й.) 4276,1 минг гектарга етказилади. Лалмикор деҳқончилик майдони 743 минг гектарни ташкил этади. Республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми – 97 фоизи суғориладиган ерлардан олинмоқда. Бундай ерларда экинлар ҳосилдорлиги лалми ерлардагига қараганда бир неча (ҳатто 10 ва ундан ортиқ) марта юқоридир; тўғри фойдаланилганда етиштириладиган маҳсулот миқдори бўйича 1 га суғориладиган ер 6 – 7 га лалмикор ерга, 50 га баланд тоғ ва 100 га чўл яйловларига тенг.


Аҳоли сонининг ўсиш суръатларини суғориладиган ерларни кенгайтириш суръатларидан ортиб кетиши натижасида жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ҳайдалма ер майдони йилдан – йилга камайиб, 0,35 гектардан 0,16 – 0,17 гектарга тушиб қолади. Бу кўрсаткич Россияда – 0,67, Қозоғистонда – 1,54, Қирғизистонда – 0,21 ва Украинада – 0,59 гектарни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг ўсиб бораётган сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақсадида Республикамизда қудратли сув хўжалик мажмуаси барпо этилган: умумий сув сарфи 2500 м³/сек бўлган 75 та йирик канал, умумий ҳажми 17,8 км³ (фойдали ҳажми 14,6 км³) бўлган 52 та сув омборлари, 32,4 минг км хўжаликлараро каналлар (шундан 9,4 минг км.га бетон тўшама ётқизилган), 176,4 минг км хўжалик (шу жумладан 133,6 минг км тупроқ узанли, 37 минг км бетон тўшамали, 25 минг км бетон новли, 3,7 минг км ёпиқ қувурли) суғориш тармоқлари, 31 минг км хўжаликлараро ва 106,3 минг км (67,1 минг км очик ва 39,2 минг км ёпиқ) хўжалик коллектор – зовур тармоқлари ишлатилиб келинмоқда. 3 мингта суғориш қудуқлари, 4800 дан ортиқ вертикал зовур қудуқлари, 24,6 мингдан ортиқ кузатув қудуқлари фаолият кўрсатмоқда. Экин майдонларининг 2,3 млн гектарни (53 фоиз) насос станциялари ёрдамида суғорилади.


Ўзбекистон сув хўжалиги комплекс тавсифга эга. Ҳозирги кунда Республикамизнинг сувга бўлган умумий эҳтиёж йилига 56 – 60 млрд. м³ ни ташкил этади. Унинг 92 фоизи қишлоқ хўжалиги, 5,5 фоизи маиший – хўжалик ва 1,5 фоизи саноат эҳтиёжларига сарфланмоқда.

Республикадаги мавжуд суғориш тизимларининг янада тўлиқ такомиллаштирилмаганлиги, суғориш далаларида сув ўлчаш ишларини талаб даражасида тартибга солилмаганлиги, суғоришнинг тежамли усул ва техникаларини кенг жорий этилмаганлиги туфайли сув манбаларида халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун олинаётган сувнинг 36 – 40 фоизи беҳуда исроф бўлиб кетмоқда. Суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти 1960 йил 0,40 ни ташкил этган бўлса, Республика сув хўжалигида амалга оширилган қатор тадбирлар эвазига бу кўрсаткич ҳозирга келиб 0,60 – 0,64 га етказилди. Республика бўйича ҳар гектар экин майдонининг эҳтиёжи 8 – 10 минг м³ бўлсада, амалда 13 – 14 минг м³ сув сарфланмоқда (1960 йил бу кўрсаткич 20 минг м³ ни ташкил этган).

Регионда мавжуд сув ресурсларидан тежаб – тергаб фойдаланиш шароитида ҳам яқин келажакда халқ хўжалигини сув билан таъминланиш масаласининг янада мураккаблашуви кутилмоқда. Бу муоммони ижобий ҳал этиш учун энергетика ва саноатда сувдан қайта фойдаланиш тизими, сув ишлатилмайдиган ва чиқитсиз технологияларни жорий этиш, сувни беҳуда исрофгарчилигини камайтириш, техник жиҳатдан мукамал суғориш тизимларини барпо этиш, мавжуд суғориш тизимларини қайта қуриш ва жиҳозлаш, суғориш техникасини такомиллаштириш. Экинларни суғориш режимини табақалаштириш, шўрланишга ва ботқоқланишга мойли бўлган ерларнинг барчасида коллектор – зовур тармоқлари барпо этиш, суғориш тармоқларини фильтрацияга қарши тўшамалар билан таъминлаш, экинларни парвариши бўйича жадал технологияларни қўллаш, суғориш тизимларидан фойдаланишни яхшилаш талаб этилади.




Сирдарё хавзасида истеъмол қилинадиган сув ресурслари, км³



- Ўзбекистон
- Қирғизистон
- Қозоғистон
- Тожикистон
- Жами




Амударё хавзасида истеъмол қилинадиган сув ресурслари, км³




- Ўзбекистон
- Қирғизистон
- Тожикистон
- Туркманистон
- Афғонистон
- Жами

Ўзбекистон ҳудудида шаклланадиган сув ресурслари, км³



Ўзбекистон ҳудудида истеъмол қилинадиган сув ресурслари, км³



■ Амударё ҳавзаси

■ Сирдарё ҳавзаси

■ Орол денгизи ҳавзаси бўйича жами

Об-хаво узгариши сценарияси


Узбекистонда кутилаётган температуранинг узгариши (°C)

Сценариялар буйича	A2	B2
● 2030 йилгача	1,0-1.5	1,6-1,8
● 2050 йилгача	2,0-2,6	2,3-2,6
● 2080 йилгача	3,9-4,5	3,2-3,6

Сув ресурсларининг узгариши

Иклим узгаришида сув ресурсларига таъсир этувчи асосий омиллар:

- тоғларда қор захираларининг камайиши;
- музлаш жараёнининг деградацияси;
- дарёлар хавзаларидан бугланишининг ошиши;
- ёгингарчиликлар узгаришининг ошиши;
- кургокчил йилларда барча омиллар интенсивлигининг ошиши.



Иклим узгарганда окимнинг йил ичида узгариши (Чорвок сув омборига келаятган оким)

“Ўзгидромет”нинг 2011-12 йил сугориш мавсумининг сув билан таъминланиши буйича башорати


- 2011-12 йил вегетация даври учун тоғ дарёларида :
меъёрга нисбатан **90-100%**
- Охангаронда:
меъёрга нисбатан **80-90%**
- Вахш , Зарафшон, Қашқадарё, Норин, Қорадарё, Чирчик ва Фарғона водийси шимолидаги дарёларда сув таъминоти:
меъёрга нисбатан **90-100%**
- Фарғона водийси жанубидаги дарёларда сув таъминоти:
меъёрга нисбатан **100-110%**



Республика ва республикалараро сув омборларидаги сув хажми, млн.м³ (25.01.2012й)

Сув омборлари номи	Хажми					Нисбатан (+), (-)			
	2012	кўп йиллик	2011	2010	2009	кўп йиллик	2011	2010	2009
Республика сув омборлари	10729	9924	6896	8995	9029	805	3833	1734	1700
Республика- лараро сув омборлари	27819	28076	20521	23253	27318	-257	7298	4566	501
- Туктагул	11043	14334	8112	10440	14113	-3291	2931	603	-3070
-Кайроққум	3468	2667	2142	3296	3379	801	1326	172	89
- Чордара	3961	2344	3185	2321	2119	1617	776	1640	1842
- Нурек	8205	8731	7082	7196	7707	-526	1123	1009	498
Жами сув омборларида	38548	38000	27417	32248	36347	548	11131	6300	2201

Иқтисодиёт соҳалари бўйича сув ишлатилиши



Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари бошқаруви



Сувдан фойдаланиш лимитларини белгилаш тартиби

М К В К

- Амударё ва Сирдарёдан давлатларга

Қишлоқ ва сув
хўжалиги
вазирлиги

- иқтисодиёт тармоқлари, вилоятлар ва ҳавза бошқармалари бўйича;
- Амударё, Сирдарё ва бошқа йирик дарёлар бўйича;
- йирик сув омборлари режими;
- йирик насос станциялар режими;

Хавза
бошқармалари

- ирригация тизимлари ва магистрал каналлар бўйича вилоятларга,
иқтисодиёт тармоқларига ва туманларга;
- сув омборлари ва магистрал каналлар бўйича насос станциялар
режими

Ирригация
тизими
бошқармаси

- ирригация каналлари бўйича иқтисодиёт тармоқларига туманларга
ва бирламчи сувдан фойдаланувчиларга;
- шу ирригация тизимига хизмат қилувчи насос станциялар ва
скважиналар режими;

Бирламчи сувдан
фойдаланувчилар:
Сувдан фойдаланувчилар
уюшмалари ва бошқалар

- фермерлар, деҳқон хўжаликлари, оила пудрати ва
иккиламчи сувдан фойдаланувчиларга

Сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

Шартномага асосан ирригация тизими бошқармаларининг мажбуриятлари:

- Сувдан фойдаланиш режасига асосан ажратилган лимит хажми миқдоридида сувни ўз вақтида етказиш
- Сув бериладиган жойларни сувни ўлчаш воситалари билан жихозлаш ва уларни шаходатлаш
- Манбада сув камайган холда сувдан навбатлаб фойдаланиш ва уни иқтисод қилиш чора таъдбирларини кўриш
- Истеъмолчининг ваколатли шахси билан сув бериладиган жойларда сувнинг олди-бердисини юритиш
- Истеъмолчининг хужалик ички суғориш тармоғидаги сув ўлчаш воситаларини шаходатлашни ташкил этиш

Бирламчи сувдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари:

- Ажратилган лимитга мувофиқ сувдан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, экин майдонларидан ва суғориш тармоқларидан сувни беҳуда ташлаб юборишга йўл қўймаслик
- Худудидаги барча сувдан фойдаланувчиларнинг сув таъминотини ички шартнома асосида амалга ошириш
- Иккиламчи сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш, ИТБ томонидан белгиланган лимит доирасида уларнинг сув лимитини белгилаш ва ажратилган сувни уларга етказиш
- Суғориш тармоғи, улардаги иншоотлар ва сув ўлчаш воситаларини ўз вақтида таъмирлаш ва бошқалар


**Магистрал каналлар
(тизимлар) ёки
алоҳида йирик сув
хўжалиги
ташкilotи**

**Ирригация
тизими
бошқармаси**


**Бирламчи сувдан
фойдаланувчилар
(СФУ ва бошқалар)**

**Иккиламчи сувдан
фойдаланувчилар
(фермер ва деҳқон
хўжаликлари)**


Республика вилоятлари бўйича 2011-12 йилда сув истеъмоли (лимитга нисбатан, %)



Етказиб берилаётган сувнинг миқдори ва 1 м³ сувнинг таннархи (2009 йил эксплуатация харажатлари бўйича)




2011- ва 2012йилларда қишлоқ хўжалигига етказиб берилган сувнинг самарадорлиги



■ - 1 комплекс гектарга берилган сув, минг. м³
■ - 1 ц пахта хосили учун сарфланган сув, м³
■ - 1 ц ғалла хосили учун сарфланган сув, м³

2011 ва 2012 йилларда қишлоқ хўжалигига етказиб берилган сувнинг самарадорлиги



■ - 1 комплекс гектарга берилган сув, минг. м³
 ■ - 1 ц пахта хосили учун сарфланган сув, м³
■ - 1 ц ғалла хосили учун сарфланган сув, м³

СФУлар, улар хизмат кўрсатадиган майдон ва кўрсатилган хизмат учун тўловнинг таъминланганлиги (01.01.2012 й.)



Андижон вилоятида СФУларнинг 2011 йилдаги фаолияти

	Хизмат кўрсатиш майдони, гектар	Кўрсатилган хизмат, минг сум	Ўртача 1 гектар майдонга тўланган маблағ, сўм
Андижон вилояти	255900	2626900	6107
Фаолияти қониқарсиз СФУ лар			
Улуғнор туманидаги “Андижон” номли СФУ	3073	14914	1467
Мархамат туманидаги “Мархамат Носир” номли СФУ	2648	10700	2403
Фаолияти қониқарли СФУ лар			
Асака туманидаги “Асака зилоли” номли СФУ	1229	30491	20343
Қўрғонтепа туманидаги “Собиржонов сув булоғи” номли СФУ	1207	29088	15871

Фарғона вилоятида СФУларнинг 2011 йилдаги фаолияти

	Хизмат кўрсатиш майдони, гектар	Кўрсатилган хизмат, минг сум	Ўртача 1 гектар майдонга тўланган маблағ, сўм
Фарғона вилояти	343900	2868900	6312
Фаолияти қониқарсиз СФУ лар			
Бағдод туманидаги “Йўлдош ота Хазиний“ номли СФУ	1754	5300	2204
Бувайда туманидаги “Сув заргар” номли СФУ	1752	6080	2139
Фаолияти қониқарли СФУ лар			
Фурқат туманидаги “Дўстлик сув йўллари“ номли СФУ	2090	33440	10669
Олтиариқ туманидаги “Азимобод зилол сув чашмаси” номли СФУ	1490	29300	16241

Наманган вилоятида СФУларнинг 2011 йилдаги фаолияти

	Хизмат кўрсатиш майдони, гектар	Кўрсатилган хизмат, минг сум	Ўртача 1 гектар майдонга тўланган маблағ, сўм
Наманган вилояти	230300	1887700	5353
Фаолияти қониқарсиз СФУ лар			
Уйчи туманидаги “Сохибкор“ номли СФУ	1146	3700	1900
Наманган туманидаги “К.Солиев” номли СФУ	1692	5800	2245
Фаолияти қониқарли СФУ лар			
Норин туманидаги “Норин“ номли СФУ	1562	25000	10435
Чортоқ туманидаги “Мучим ариқ обихаёт” номли СФУ	2562	25100	9797


Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш муаммолари

- СФУлар суғориш тизимларининг ишчи ҳолати талаб даражасида эмаслиги
- Сув омборларининг иш режимига маҳаллий ҳокимликларнинг аралашуви
- Сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги сув олиш ва етказиб бериш шартномаларининг тўлиқ бажарилмаслиги
- СФУларнинг моддий техник базасини ривожланмаганлиги



Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш муаммолари

- Суғориладиган майдонларнинг текисланмаганлиги
- Экинларни сугоришнинг илмий асосланган тартибларига риоя қилмаслик.
- Сувнинг катъий ҳисоб-китобини жорий қилинмаганлиги.
- Суғоришнинг замонавий техника ва технологияларини қўлланиши етарли эмаслиги
- Малакали сувчилар сонининг камлиги
- Сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятсизлиги





Сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш

2009 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унга асосан 3 та Кодекс ва 9 та Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан **“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга** киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар:

- ❖ **Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари** алоҳида-алоҳида белгиланиб, уларнинг сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш борасидаги **мажбуриятлари кучайтирилди.**
- ❖ **Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш тартиби тубдан такомиллаштирилди,** табиий сув объектларидан рухсатномани бериш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатига ҳамда сунъий сув объектларидан (канал, сув омбор, зовур, ҳовуз ва бошқалардан) рухсатномани бериш қишлоқ ва сув хўжалиги органларининг ваколатига киритилди.
- ❖ Сув объектлари техник ишчи ҳолатда сақлаш, уларда мақбул сув режимини яратиш, эксплуатация қилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида **сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақаларидан фойдаланиш тартибига** тегишли ўзгартишлар киритилди.



Сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш

- ❖ Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг таъсисчилари асосан сув истеъмолчилар, яъни фермер ва деҳқон хўжаликлари бўлганлиги сабабли келгусида уларни **Сув истеъмолчилари уюшмаси** этиб, **нодавлат ноижорт ташкилот сифатида ташкил этилиши** белгиланди.
- ❖ **Сув истеъмолчилари уюшмаларининг мақоми кучайтирилди**, сув ресурсларини бошқариш, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли ўртасида сув муносабатларини тартибга солиш, сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш борасидаги уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.
- ❖ Сув ресурслари чекланган шароитда аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, сув объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида **сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларнинг сув ва сув объектларидан фойдаланиш борасидаги жавобгарлиги оширилди**.
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига киритилган ўзгартишларга асосан сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун-қоидаларини бузган шахсларга нисбатан **қўлланиладиган жарималар миқдори икки бараварга оширилди**.

Сув ресурсларидан масъулиятсизлик билан фойдаланишнинг олдини олиш бўйича курилган чоралар

Вилоятлар	Далолатномалар сони		Жарима хакида карорлар сони		Жарима суммаси, минг сум	
	2008	2009	2008	2009	2008	2009
Фаргона	234	378	325	288	3880	5914
Андижон	797	710	198	161	2871	3623
Наманган	1647	741	408	384	4918	6534
Республика	11292	7382	3744	3371	63468	82124

Андижон вилоятида 2011-12 йил ирригация тадбирларининг бажарилиши

№	Туманлар номи	Хўжаликлараро суғориш тармоқлари		Хўжалик ички суғориш тармоқлари		
		Канал тозалаш (км)	Гидротехник иншоотларни таъмирлаш (дона)	Ариқларни тозалаш (км)		Гидротехник иншоотларни таъмирлаш (дона)
				Механизм ёрдамида	Қул кучи ёрдамида	
1	Олтинкўл	20,2	34	61	351	41
2	Андижон	41	19	60	285	40
3	Балиқчи	12,8	27	80	334	50
4	Бўз	7,8	16	52	230	40
5	Жалақудук	7,7	13	40	184	40
6	Избоскан	17,2	54	55	458	50
7	Улуғнор	12,3	36	57	320	40
8	Қўрғонтепа	17,3	59	150	527	60
9	Асака	14,9	23	50	476	40
10	Мархамат	18,8	31	61	305	50
11	Шахрихон	11,1	38	100	272	60
12	Пахтаобод	18,1	44	82	360	51
13	Хўжаобод	9,2	36	41	290	40
14	Булоқбоши	32,2	28	60	331	50
	Жами:	240,5	458	949	4723	652

Наманган вилоятида 2011-12 йил ирригация тадбирларининг бажарилиши

№	Туманлар номи	Хўжаликлараро суғориш тармоқлари		Хўжалик ички суғориш тармоқлари		
		Канал тозалаш (км)	Гидротехник иншоотларни таъмирлаш (дона)	Ариқларни тозалаш (км)		Гидротехник иншоотларни таъмирлаш (дона)
				Механизм ёрдамида	Кул кучи ёрдамида	
1	Мингбулоқ	52,1	54	86	170	90
2	Косонсой	49,6	39	94	179	83
3	Наманган	27,9	26	85,4	201,5	45
4	Норин	37,5	29	91	219,3	46
5	Поп	39,6	40	198,3	331	38
6	Тўрақўрғон	31,1	22	89,1	210,4	48
7	Уйчи	33,8	30	117,2	164,2	56
8	Учкўрғон	32,5	39	65,8	220,2	81
9	Чортоқ	30,9	23	55,7	136	41
10	Чуст	42,1	33	63,7	137,5	77
11	Янгиқўрғон	36	46	51	158	76
12	ШФМКБ	10,2	63			
13	КНМКБ	16,5	78			
14	СОФБ	3,6	9			
	Жами:	443,4	531	997,2	2127,1	681

Фарғона вилоятида 2011-йил ирригация тадбирларининг бажарилиши

№	Туманлар номи	Хўжаликлараро суғориш тармоқлари		Хўжалик ички суғориш тармоқлари		
		Канал тозалаш (км)	Гидротехник иншоотларни таъмирлаш (дона)	Ариқларни тозалаш (км)		Гидротехник иншоотларни таъмирлаш (дона)
				Механизм ёрдамида	Кул кучи ёрдамида	
1	Қувасой	58,9	45	95,3	222,3	127
2	Бешарик	32,5	52	366,8	860,6	504
3	Богдод	37,6	155	322,4	749,4	782
4	Бувайда	41,3	80	332,5	780,3	71
5	Данғара	32	105	304,7	716,5	296
6	Ёзёвон	49,7	50	202,3	475,2	362
7	Қува	20,5	170	252,5	580,6	1508
8	Олтиарик	27,4	125	238,1	542,4	193
9	Охунбобоев	37,5	109	263	613	443
10	Риштон	31,6	122	213,9	498,5	336
11	Сўх	0,2	6	106,8	249,2	138
12	Тошлоқ	58	199	240,2	561,4	624
13	Ўзбекистон	26,8	41	465	1080,8	515
14	Учкўприк	35,7	130	230,3	536,2	208
15	Фарғона	53,6	218	319,6	744,7	396
16	Фуркат	38,7	60	248,7	580	545
17	Фарғона ш.			18,5	44,3	157
	Жами:	582	1667	4220,6	9835	7205

Қишлоқ хўжалигида сувнинг самарадорлигини оширишга қаратилган инвестицион лойиҳалар

- **Ўзбекистон Республикаси дренаж лойиҳаси** - умумий қиймати 59.88 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 7.05 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;
- **Аму-Занг машина каналини қайта тиклаш лойиҳаси** – умумий қиймати 73.2 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 8.2 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;
- **Андижон сув омборидаги ГЭС-2 учун ХХРдан жиҳозлар келтириш лойиҳаси** – умумий қиймати 10.03 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 0.15 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;
- **Охангарон сув омборидаги кичик ГЭС учун ХХРдан жиҳозлар келтириш лойиҳаси** – умумий қиймати 5.91 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 0.98 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;
- **Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаси** - умумий қиймати 60.2млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 3.16 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;



Қишлоқ хўжалигида сувнинг самарадорлигини оширишга қаратилган инвестицион лойиҳалар

- Дон экинлари хосилдорлигини ошириш лойиҳаси – умумий қиймати 26,0 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 0.88 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;

- Сирдарё вилояти Ок олтин туманида инфратузилмаларни, таркиби узгартирилган хўжаликларни куллаб-қувватлаш лойиҳаси – умумий қиймати 36.0 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 1.88 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;

- Андижон вилоятидаги Гулбахор-1К насос станциясининг қайта таъмирлаш лойиҳаси. Умумий қиймати 5.76 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 5.76 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;

- Бухоро вилоятидаги “Куйи-Мозор” насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси - умумий қиймати 12.0 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 0.27 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди;

- Кишлоқ хўжалиги корхоналарини куллаб-қувватлаш (2- фаза) лойиҳаси - умумий қиймати 67.96млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 7.30 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди

- Умумий қиймати 719.02 млн. АҚШ доллари, 2009 йилда 67.99 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди.



Сув танқислигини юмшатиш бўйича тадбирлар

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, ОҚИЛОНА БОШҚАРИШ, УЛАРНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ» БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Асосий вазифалари:

- сув ресурслари башорати, сувга бўлган талаб ва сув таъминоти даражасини тезкор таҳлил қилиб бориш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва самарали фойдаланиш бўйича тезкор тавсиялар ишлаб чиқиш;
- сувни иқтисод қилувчи техника, технология ва илғор тажрибалар натижаларини таҳлил қилиш ҳамда уларни амалиётга кенг тадбиқ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- сувни иқтисод қилувчи агротехника тадбирларни ўтказишда ишлатиладиган мавжуд техника ва ускуналарни ўрганиш, уларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- ерларнинг шўрини ювиш, яхоб суви бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун ер тайёрлаш, экинларни экиш ва уларни парвариш қилиш ишларини сув танқисчилиги шароитидан келиб чиқиб, такомиллаштириш ва мақбул муддатларда ўтказиш тўғрисида тавсиялар тайёрлаш;
- сувсизлик шароитига чидамли экинлар навларини ўрганиш ва уларни жорий қилиш ҳамда агротехникасини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича чора-тадбирларни жойларга чиқиб ўрганиш, натижаларини таҳлил қилиб бориш ва мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича жойларда амалий ёрдам кўрсатиш;
- сувни иқтисод қилувчи техника, технология ва илғор тажрибаларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш.

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, ОҶИЛОНА БОШҚАРИШ, УЛАРНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАР» БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Ишчи гуруҳлар

- **Сув ресурслари башорати ва уни мавсумий тақсимлаш.**
- **Суғориш техникаси ва сув ресурсларини иқтисод қилувчи техника ва технологиялар ҳамда уларни такомиллаштириш.**
- **Суғориш режимлари ва сувни иқтисод қилувчи агротехника тадбирларни такомиллаштириш.**
- **Сув ресурсларини иқтисод қилувчи агротехника тадбирларини ўтказишда ишлатиладиган техникаларни таъмирлаш, янгиларини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш.**
- **Сувсизликка чидамли экинларнинг навлари ва экинларни жойлаштириш.**

Сув танқислигини юмшатиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар

- Каналлардаги фильтрацион, техник ва ташкилий йўқотишларни олдини олиш ҳамда уларнинг Ф.И.К. ларини ошириш.
- Каналлар бўйича сувнинг айланма графикларини ишлаб чиқиш ва шу асосда сув тақсимотини амалга ошириш.
- Коллектор-дренаж, ер ости, сой ва булоқлардан қушимча сув олиш чораларини кўриш
- Сувдан фойдаланиш бўйича назоратни кучайтириш, сувнинг беҳуда сарфига йул қўйганларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш



Сув танқислигини юмшатиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар

- Сувни иқтисод қилиш, ундан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича СФУ ҳамда фермер хўжаликлари мутахассислари иштирокида амалий семинарлар ташкил этиш, ОАВ орқали тарғибот — ташвиқот ишларини олиб бориш.
- Сувни кўп талаб қиладиган экин турларини экишни чегаралаш
- Сув тежамкор суғориш технологияларини қўллаш.




Сув танқислигини юмшатиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар

- Суғориладиган ерларни текислаш.
- Ер майдонининг нишаблигига қараб эгатларни қисқа олиш (50-60м)
- Сувчилар сонини кўпайтириш ва хар 5-6 л/с сувга биттадан сувчи жалб этиш
- Тунги суғориш ишларини ташкил этиш ва сувчиларга керакли шароитларни яратиш
- Суғоришни шарбат оқизиб ташкил этиш ва қатор орасига ўз вақтида ишлов бериш
- Сувни ташлама ва зовурга беҳуда ташлаб қўйиш, кўллатиб ва захлатиб суғоришга йўл қўймаслик
- Суғоришни экинлар талабидан келиб чиқиб ташкил этиш




Суғориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси



Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражасини узгариши


МИНГ га



■ шўрланмаган майдонлар □ кам шўрланган ■ ўртача шўрланган ■ кучли шўрланган

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш оқибатлари

Экинлар ҳосилдорлигининг тупроқ шўрланишига боғлиқлик графиги



Шўрланмаган Кучсиз шўрланган Ўртача шўрланган Кучли шўрланган



Вилоятлар	Суғорилади ган майдон (минг. га)	Шўрланмаган, %, 2008/2009йй	Кучсиз шўрланган, % 2008/2009йй	Ўртача шўрланган, % 2008/2009йй	Кучли шўрланган, % 2008/2009йй
Фарғона	361.8	53.0/ 52.6	32.9/35.2	12.2/11.0	1.9/1.2
Наманган	282.5	90.7/90.5	6.4/6.3	2.6/2.8	0.4/0.4
Андижон	265.9	95.6/95.4	2.4/2.3	1.9/2.3	-/-
Республика	4288.5	2127.8/49.6	1347.3/31.4	662.0/15.5	148.0/3.5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ФАРМОНИ.

2007 йил 29 октябр

Фармоннинг мақсади:

- мелиорация ишларининг буюртмачилари ва ижрочилари ўртасида вазифаларни катъий тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишга ёндашувларни тубдан ўзгартириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш;
- мелиорация шохобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқава сувларнинг коллектор-дренаж тармоғи орқали нормативга мувофиқ чиқарилишини таъминлайдиган ушбу шохобчаларни сақлаш механизмини сифат жиҳатидан такомиллаштириш;
- лизинг операцияларини кенг жорий этиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелиорация техникаси саройини янгилаш.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурини бажаришдаги устувор вазифалар

- Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишлари
- Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари;
- сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелиорация техникаси саройини янгилаш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш.



Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастуринининг 2012 йилда бажарилиши (таъмирлаш ва тиклаш ишлари)

Вилоят	Сув ўлчаш иншооти, сон	Қувурли ўтиш жойи, сон	Назорат қудуғи, сон	Ёпиқ ётиқ дренажни ювиш, км	Очиқ зо- вурларни тозалаш, км
Фарғона	5	132	118	69.0	1228.0
Андижон	10	9	146	35.0	1253.1
Наманган	11	71	85	-	1056.6
Республика	49	773	1607	1310.8	12696.3

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастуринининг 2012 йилда бажарилиши


(Реконструкция қилиш ва қуриш ишлари ҳамда сув хўжалиги ташкилотларининг моддий техника базасини мустахкамлаш)

Вилоятлар	Коллектор-дренаж тизимлари, км	Бажарилган ишлар қиймати, млн сўм	Сотиб олинган мелиоратив техникалари сони
Фарғона	2.0	5980.1	35
Андижон	21.3	1742.6	21
Наманган	12.6	1246.9	25
Республика	702.0	51838.8	288

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури бўйича 2012 йилда режалаштирилган ишлар

Вилоят	таъмирлаш ва тиклаш ишлари, лойихалар сони	Реконструкция қилиш ва қуриш ишлари, млн сўм	Сотиб олинadиган мелиоратив техникалари сони
Фарғона	25 та мел. объект, + 375 та верт дренаж кудуғи	5030.0	19
Андижон	16 та мел. объект + 20 та верт дренаж кудуғи,	4960.5	15
Наманган	26 та мел. объект + 43 та верт дренаж кудуғи, 2 та мел.НС	2399.4	18
Республика	226 та мел. объект + 744 та верт дренаж кудуғи + 38 мел НС	65811.0	240

2008-2012 йилда сотиб олинган режалаштирилган мелиоратив техникалар




Наманган вилояти

Андижон вилояти

Фаргона вилояти

Республика бўйича

 - мелиоратив техникалар сони

 - умумий қиймати (млн.сум)

Нов каналларни таъмирлаш



Эътиборингиз учун
рахмат